

АМУДАРЁ ҚИРҒОҚЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ГИДРОЛОГИК ВА АРХЕОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети т.ф.ф.д. (PhD)

Эшқуватов Қувончбек Шавкатович. Тошкент, Ўзбекистон

Тошкент давлат аграр университети магистранти Шавкатов Жавҳарбек
Шавкатович, Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Амударё дарёсининг қадимдан Марказий Осиё давлатлари цивилизациясида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Унинг ўзани доимий ўзгарувчан бўлиб ўнг ва чап қирғоқларга жиддий таъсир кўрсатиб турган. Унинг оқими, сув сатҳи ва тошқинлари нафақат ирригация тизимларини ривожлантириш, балки шаҳарларнинг тақдирига ҳам боғлиқ бўлган. Амударё оқими натижасида эрозияга учранган тарихий ёдгорликлардан бири қадимий Кампиртепа бўлиб, у Бактрия ва Суғдни боғлайдиган муҳим савдо йўли, Амударё қирғоқларида жойлашган шаҳар ҳисобланган.

Калит сўзлар: сув сатҳи, сув сарфи, эрозия, ёдгорлик, тупроқлар, сув тошқини, шкала, динамика, тарихий манзара.

ИСТОРИКО-ГИДРОЛОГИЧЕСКИЙ И АРХЕОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ БЕРЕГОВ РЕКИ АМУДАРЬИ

Национальный исследовательский университет «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» Доктор философии (PhD) Эшқуватов Кувончбек Шавкатович. Ташкент, Узбекистан

Магистрат Ташкентского государственного аграрного университета
Шавкатов Джавхарбек Шавкатович, Ташкент, Узбекистан

Аннотация

Река Амударья с древнейших времен имела решающее значение в цивилизации государств Центральной Азии. Её бассейн постоянно менялся, серьёзно влияя на правый и левый берега. Её течение, уровень воды и

разливы зависели не только от развития ирригационных систем, но и от судьбы городов. Одним из исторических памятников, подвергшихся размыву в результате разлива Амударьи, является древний Кампыртепа, важный торговый путь, соединявший Бактрию и Согд, город, расположенный на берегах Амударьи.

Ключевые слова: уровень воды, водопотребление, эрозия, памятник, почвы, наводнение, масштаб, динамика, исторический ландшафт.

HISTORICAL HYDROLOGICAL AND ARCHAEOLOGICAL ANALYSIS OF THE BANKS OF THE AMUDARYA RIVER

National Research University “Tashkent Institute of Irrigation and
Agricultural Mechanization Engineers” Doctor of Philosophy (PhD) Eshkuvatov

Kuvonchbek Shavkatovich. Tashkent, Uzbekistan

Master's student of Tashkent State Agrarian University

Shavkatov Javharbek Shavkatovich, Tashkent, Uzbekistan

Abstract

The Amudarya River has been of decisive importance in the civilization of the Central Asian countries since ancient times. Its core is constantly changing and has a serious impact on the right and left banks. Its flow, water level and floods depended not only on the development of irrigation systems, but also on the fate of cities. One of the historical monuments eroded by the flow of the Amudarya is the ancient Kampirtepa, which was a city located on the banks of the Amudarya, an important trade route connecting Bactria and Sughd.

Key words: water level, water consumption, erosion, monument, soils, flood, scale, dynamics, historical landscape.

Методология ва тадқиқот усуллари

Мақоладаги маълумотлар археологик қазинмалар, гидрологик башоратлар ва геоморфологик таҳлилларга асосланган. Сув сарфи кўрсаткичлари археологик қатламлардаги қолдирилган излар билан таққосланиб, пропорционал ҳисоб-китоблар йўли билан аниқланган.

Кириш. Амударё ҳақида ёзма маълумотлар асосан антик даврдан бошлаб учрайди. Археологик тадқиқотлар Амударё қирғоқларидаги Кампиртепа ёдгорлигида сув тошқинлари ва эрозия жараёнлари натижасида юзага келган ҳолатлар катта из қолдирганини кўрсатади. Амударёнинг тўлин сув ва тошқин давларида юзага келган тўлқинлар қирғоқларни ҳар 5-10 метргача ювиб дарё ўзанини ўзгартириб, қирғоқ тупроқлари ювилиб кетгани кузатилган.


Қиш ва баҳор фаслларида сув кўтарилиши қирғоқлардаги грунтларни юмшатиб, кўчки ва эрозия хавфини оширган. Археологик қатламларнинг бузилиши, Қалъа деворларининг ювилиши ва бошқа биноларнинг ўпирилиши айнан Амударёнинг тошқин давларидаги сув таъсири билан боғлиқдир. Вақт шкаласи бўйича дарё ўзанининг 4-аср, 2-аср ва ҳозирги давлардаги ўзгаришлари хариталарда ҳам қайд этилган.

Милоддан аввалги 3-асрларда Амударёнинг сув сатҳи кескин кўтарилиб, Кампиртепа аҳолиси учун катта хавф туғдира бошлаган. Тахминий гидрологик ҳисоботларга кўра Милоддан аввалги 260 йилларда Амударёнинг Кампиртепа ҳудудида сув сарфи 2500–3000 м³/с атрофида бўлиб, бу энг юқори кўрсаткич ҳисобланган. Шу даврда шаҳарнинг ярми сув босиши натижасида ювилиб кетган. Натижада аҳоли шаҳарни ташлаб бошқа ҳудудларга кўчишга мажбур бўлган. Бу жараёнлар шаҳарнинг таназзули ва стратегик аҳамиятининг йўқолишига сабаб бўлган.

Амударё сув йўллари фақат Кампиртепа билан чекланмаган. Олиб борилган илмий изланишларда Милоддан аввалги 4-минг йилликдан 1-минг йилликнинг 1-ярмигача Ўзбўй орқали Сариқамиш кўли орқали Каспий денгизига сув оққанлиги аниқланган. Археологик текширишлар натижасида Амударё қирғоқларидан кўплаб неолит манзилгоҳлари, бронза даврига хос сопол идишлар, шунингдек, милоддан аввалги 7-5-асрларга оид шаҳарлар топилган. Милоддан аввалги 1-минг йилликнинг ўрталарида Ўзбўй бўйлаб сув оқмай қўйган. Археологик ва тарихий маълумотлар 10-13-асрларда Ўзбой

орқали Хоразмдан Хуросонга ўтган карвон йўли ва кўп карвонсаройлар, сардобалар бўлганлигини кўрсатади. Ўрта Осиёнинг чўлли ҳудудларида фақатгина қисқа давр мобайнида сув оққан ёки умуман сув оқими тўхтаган куруқ ўзанлар ҳам Ўзбой деб аталган

Бугунги замонавий илм фан Амударёнинг Каспий денгизи билан боғловчи сув йўли Ўзбой ўзани орқали амалга оширилганлиги ҳақидаги қарашларни тасдиқламоқда. Б.И.Вайнберг маълумотларига кўра, милоддан аввалги V- IV асрлардан Ўзбой ўзанининг иккала қирғоқларида яшовчи халқлар пайдо бўлган.




1-расм. Амударёнинг Ўзбой орқали Каспий ва Орол денгизларига қуйилиши.

Изланишлар натижасида Ўзбой атрофларида кўчманчи ҳамда ярим кўчманчи чорвадор қабилалар қолдирган кўплаб қароргоҳ ва мазорлар топилган.

Бу топилмалар антик даврда Амударё бўйлаб Каспий ва Қора денгизгача давом этган сув йўли Ҳиндистон, Марказий Осиё, Кавказ, Яқин Шарқ ва шимолий Қора денгиз соҳилларини боғлаганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳамда изланишларни асослаган. Шунингдек, бу сув йўли бўйлаб

олиб борилган алоқаларни Амударёнинг юқори оқимидаги Тахти-Сангин, Хоразм воҳасидаги Йелхарас, Сарикамиш делтасидаги Қалъалиқир-2, Ўзбойдаги Ичанлитепа, Катта Болхондаги Гарраултепа, Кавказдаги Вани каби ибодатхона–диний марказлар орқали ҳам кузатиш мумкин. Бундан келиб чиқадики, Амударё бўйлаб ўтган сув йўллари нафақат ички ва ташқи алоқа тизимида, балки маданий алоқалар ҳамда диний қарашлар ёйилиши ривожига ҳам муҳим рол ўйнаган.

Амударёнинг ўрта оқимида сув йўлини назорат қилиб туриш мақсадида муҳим кечувлар яқинида Калиф, Курегин, Каркича (Карки), Одойдепа, Усти каби қалъалар барпо етилган. Карки кечуви Самарқанд ва Бухородан Ксениппа (Йерқўрғон) орқали Бактрияга ўтувчи йўлда жойлашгани унинг Амударё сув йўлининг ўрта оқимини назорат қилиб турганидан далолат беради. Кампиртепа ёдгорлиги эса нафақат Бактриядан Суғдга борадиган савдо йўлидаги Амударё кечувини, шу билан бирга Амударё бўйлаб олиб борилган Термиз-Урганч сув йўлини ҳам назорат қилиб турган. Вақт ўтиб бу қалъалар қирғоқ ювилиши натижасида бутунлай вайрон бўлган.





2-расм. Амударё қирғоқлари эрозияга учраган қалъаларни жойлашуви

Милоддан аввалги III асрларда қалаларнинг ювилишининг асосий сабабини гидрологик реконструкциялар Амударё сув сарфининг сезиларли даражада ўзгариб тургани билан боғликлигини кўрсатади.

Кампиртепа худудида;

- **Миллоддан аввалги 300–280-йиллар:** сув сарфи 2000–2700 м³/с, барқарор ҳолат.
- **Миллоддан аввалги 260-йил:** сув сарфи 2500–3000 м³/с, энг юқори кўрсаткич. Бу даврда шаҳарнинг ярми сув босиши натижасида бузилиб кетганлиги археологик ёдгорликлар билан тасдиқланган.
- **Миллоддан аввалги 240–200-йиллар:** сув сарфи пасайган, аммо ирригация тизимлари яроқсиз ҳолатга келган.




3-расм. Милоддан авввалги III асрларда Амударё сувининг ўзгариш графиги. (Милоддан авввалги 300-200 йиллар)

Натижада Кампиртепа аҳолиси шаҳарни ташлаб кетишга мажбур бўлган. Бу ҳолат гидрологик ўзгаришларнинг аҳолининг яшаш шaroитларини ўзгаришига ва маҳаллийлашишга бевосита таъсирини кўрсатади.

Амударё Каспий денгизи орқали Кавказ ва Қора денгизга уланган. Милоддан аввалги V–IV асрларда бу йўл орқали Марказий Осиё, Ҳиндистон ва Яқин Шарқ ўртасида савдо ва маданий алоқалар ривожланган. Кампиртепа эса нафақат Бактрия–Суғд йўлидаги марказ бўлган, балки Термиз–Урганч сув йўлини назорат қилган порт сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Амударёнинг йўналишлари (шартли схема)



4-расм. Амударё оқими даврлар мобайнида ўзгаришининг шартли схемаси

Хулоса

Амударёнинг қирғоқларида жойлашган Кампиртепа тарихи гидрологик ўзгаришлар билан узвий боғлиқ. Мил. авв. III асрдаги катта тошқинлар шаҳарнинг қисман йўқолишига, аҳолининг кўчишига ва иқтисодий таназзулга олиб келган.

Шу билан бирга, Кампиртепа Амударё сув йўлидаги стратегик порт сифатида Марказий Осиё цивилизациясида муҳим рол ўйнаган.

Бу тадқиқотлар ҳозирги кунда ҳам долзарб масалалардан бўлиб, Амударё қирғоқларидаги археологик ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва гидрологик жараёнларни илмий таҳлил қилиш зарурлигини кўрсатади. Шу билан бирга тарихий манбаларга таяниб Амударё ўзанининг бугунги кундаги ўзгаришларини баҳолаш ва чора тадбирлар ишлаб чиқиш имкониятини яратади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ртвеладзе Э.В. Кампиртепа – греческая переправа на Амударье // Мозийдан садо. – 1999. № 4. – С. 12-15; Александр Македонский в Бактрии и Согдиане. – Ташкент: MEDIA LAND, 2002. – 93 с.; Древний Термез в системе Амударьинских переправ // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 2002. № 2. – С. 57-61; Переправы и дороги Бактрии // Мозийдан садо. – 2003. №3,4. – С. 20-27. 4.
2. Асқаров А.А. Қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. ЎзР ФА академиги Карим Шониёзов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуман материаллари. – Т.: 2004. – Б. 76-84.
3. Алламуратов Ш.А. Марказий Осиё халқлари маданий-диний алоқаларида Амударё сув йўлининг ўрни // Ўтмишга назар. – 2019. – №. 24. – Б.23-29.
4. Дудаков С. Раскопки пристани Кампиртепа // Археология, история и культура Средней Азии: Тезисы докладов международной конференции. – Т.: 2002. – С. 51-52. 21.

5. Ртвеладзе Э.В. Александрия Оксианская - Кампыртепа: город-крепость на берегу Окса. – Т., 2019.
6. Қобулов Э., Алламуратов Ш. XIX Аср охири-XX аср бошларида Сурхон воҳасининг Амударё сув йўли ва кечувлари орқали савдо муносабатлари //Марказий Осиё тарихи ва маданияти. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 405-409.
7. А.Ш.Ашурович.Қадимги давр манбаларида Амударё сув йўли ҳақида маълумотлар
8. Вайнберг Б.И. Амударё ва Ўзбой сув йўллари ҳақидаги тадқиқотлар.
9. Термиз археологик экспедицияси материаллари.